

АЁЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ СТЕРЕОТИПИК ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ (МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИСОЛИДА)

Абдуллаева Муштари

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети “Антропология ва этнология” кафедраси ўқитувчиси
E-mail: mushtariyabdullayeva90@gmail.com
тел.: +99899 821 32 28

Аннатация. Ушбу мақолада Марказий Осиё халқларида аёллар билан боғлиқ стереотипларниң узоқ тарихий давр мобайнида шаклланиши ва уларниң ўзгариб борганлиги ҳақидаги тадқиқотлар таҳлили ёритиб берилади. Стереотиплар нисбатан турғунликка эга бўлишига қарамай, ҳар бир тарихий даврларниң муҳим босқичлари янги стереотипларниң шаклланишига ва мавжудларининг ўзгаришига олиб келганлиги илмий асосланади.

Калит сўзлар. Гендер, аёл, гендер стреотип, аёллик, эркаклик, туркий халқлар, ўзбеклар, Марказий Осиё.

Аннатация. В данной статье освещен анализ исследований формирования стереотипов, связанных с женщинами в странах Центральной Азии на протяжении длительного исторического периода, и их изменений. Несмотря на относительную устойчивость стереотипов, научно доказано, что важные этапы каждого исторического периода приводили к формированию новых стереотипов и изменению существующих.

Ключевые слова. Гендер, женщина, гендерный стереотип, женственность, мужественность, тюркские народы, узбеки, Средняя Азия.

Abstract. In this article, the analysis of studies on the formation of stereotypes related to women in Central Asian nations over a long historical period and their changes is highlighted. Despite the relative stability of stereotypes, it is scientifically proven that important stages of each historical period led to the formation of new stereotypes and changes in existing ones.

Key words. Gender, woman, gender stereotype, femininity, masculinity, Turkic peoples, Uzbeks, Central Asia.

Аёллар муаммосининг жаҳон миқёсида умунижтимоий ҳодиса эканлигининг эътироф этилиши, бугунги кунда аёлларниң жамиятдаги мавқеи ва аҳамиятига оид кўплаб амалий ишлар қилинишига олиб келди. Хусусан, Марказий Осиё аёллари бўйича жаҳон ва маҳаллий олимлар

томонидан күплаб тадқиқотлар ўтказилған бўлиб, уларни ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қилинган. Маълумки, гендер стереотиплар (эркак – ақлли; аёл – ҳиссий (емоционал))нинг мавжудлиги шахс ривожланишининг муҳим тўсиқларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун аёлнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришда у билан боғлиқ стереотипларни тадқиқ қилиш долзарбди.

Аёллар билан боғлиқ стереотипик қарашлар тарихийлик (IV–X асрларга оид тарихий факталар келтирилди); даврийлик (стереотип билан боғлиқ қарашларнинг олдинги ва кейинги ўзгариши хронологик келтирилди); объективлик (гендер стереотипни салбий ёки ижобий баҳолашда белгиланган чегара-қийматдан чиқилмади) каби асосий услубий тамойилларидан фойдаланиб ўрганилди.

Аёллар билан боғлиқ стереотипик қарашларни ўрганар эканмиз, уларнинг илк илдизларини билиш учун ўтмишга назар соламиз. Бу борада ўтмишда бу жараёнларнинг қандай кечганлигини археологик манбалар билан таққослаб таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда илк ўрта асрлар (V–VIII асрлар)га оид сопол ҳайкалча – терракоталарни таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади.

Археологик тадқиқотларга [1, 6, 8, 9, 10, 11, 13, 14, 15] кўра:

- терракота ҳайкалчалар замон кишиларининг идеологик қарашларини ўзида мужассам этиб, ундаги аёл тасвирининг ўзига хос хусусиятлари жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, диний ва ташқи алоқалари билан боғлиқдир;

- Марказий Осиёнинг антик ва илк ўрта аср санъатида айнан аёллар тасвирида эллинистик-буддистик таъсирлар кучли ҳисобланиб, сосонийлардан то ислом динигача бўлган давр санъатида қадимий космология билан боғлиқ тасвиirlар кучайганлиги кўзга ташланади;

- терракоталарда аёл тасвири маҳаллий анъаналар ва диний эътиқодлар уйғунлашган ҳолда гавдалантирилганлиги, аёллар ҳақидаги стереотипик қарашларнинг шаклланишида маҳаллий анъаналар ва диний эътиқод таъсирининг устунлигини кўрсатади;

- терракоталар – Марказий Осиёда бир диннинг иккинчи динга ўрнини бўшатиб беришига қарамасдан (ибтидоий дин, буддизим, зардуштийлик, ислом), аёл ҳар доим алоҳида эътибор манбаи сифатида кўрилганлигини исботлайди, фақатгина ундаги тасвиirlар янги диний қарашлар билан ўзгариб борган;

- она уруги давридан бронза давригача – аёл уруг давомчиси, хўжалик юритувчи сифатида қаралган ва ҳосилдорлик ҳамда инсониятнинг давомчиси рамзий маъносида кўпроқ улуғланган. Шунингдек, антик давр охири ва илк ўрта аср терракоталарида аёлнинг ёш (қиз бола, аёл ва кампир) хусусиятларига алоҳида ургу бериб тасвирланган ва бу даврда (гарчи, партиархат давр бўлсада) аёллар жамиятнинг бир қисми сифатида қаралганини ва уларнинг ўрни юқори бўлганлигини тахмин қилиш мумкин [2, 3, 4, 5].

В.В.Тишин ва Н.Н.Серегинлар [16] VI – X асрларда кўчманчи туркий халқлар жамиятида яшаган аёлларнинг мавқеи хусусиятларини таҳлил қилиб, антик ва ўрта асрлар Евроосиё кўчманчи жамиятида жангчи эркак образи муҳим бўлганлигини, аёллар уй-хўжалиги билан чекланмаганлигини скиф-сарматлар даври ёзма ёдгорликлари ва аёллар қўмилган қабрларни археологик асосда таҳлил қилиш орқали очиб берганлар.

Ёзма манбалар таҳлилига кўра, туркий жамиятда аёлларнинг уй-хўжалигидаги роли катта ўринга эга бўлган. Исломгача бўлган даврда туркий халқларда аёллар йиғинлар (тўй, қурултой)да қатнашиш хуқуқига эга бўлган. Шунингдек, хоқон хотун билан биргаликда қарорлар қабул қилган. Археологик манбалар шуни кўрсатадики, Марказий Осиёнинг турли минтақаларида ўрганилган аёллар қабри инвентар¹ таркибига кўра эркак қабрларига қараганда анча бой бўлган. Қадимги туркларнинг ижтимоий ҳаётида аёл қариндошларининг ўрни билан боғлиқ масалалари услубий қийинчиликлар туфайли ҳали ҳам ўз ечимини топмаган. Бундан ташқари, қадимги турклар орасида кўпхотинлилик ҳақида ҳеч бир манбада тўғридан-тўғри маълумот кўрсатилмаган [16, 109-112 б.].

Кўчманчилар учун идеал хотин ҳақидаги стереотип ғамхўр уй бекаси образида ўз ифодасини топган. Шунингдек, кўчманчилар аёллари от миниш ва камондан отишда эркаклардан кам бўлишмаган, баъзан жанговар ҳаракатларда ҳам қатнашиб туришган [16, 115 б.].

Туркий халқларда барча аёллар ҳам бир хил мавқега эга бўлмаган. Кўпроқ юқори қатлам вакиллари ва уларнинг аёллари ҳукмон мавқега эга бўлган. Канизлар ва асир тушганларга бошқача қаралган. Хусусан, каниз ҳукмдорга машуқа бўлиши мумкин. Шунингдек, машуқанинг болалари ҳам хотунларнинг фарзандлари билан teng ҳисобланса-да, тахт вориси тайинланганда онасининг келиб чиқиши ўз таъсирини кўрсатади. Урф-одатлар

¹Инвентар – хўжалик юритиши ва ишлаб чиқаришига оид турли ашёлар мажмуюи

бўйича хотинликка олинган аёлларнинг мақоми юқорироқ бўлган, чунки аёлнинг қариндошлари унинг орқасида туришган. Асирга олинган аёллар ҳеч кимнинг ёрдамига суяна олмаган [16, 116-117 б.].

Шундай қилиб, қадимги туркларнинг дафн ёдгорликлари барқарор гендер стереотипларининг мавжудлигини кўрсатган. Кўчманчи жамиятларнинг ижтимоий тузилишида аёлларнинг ўрни ва роли кўчманчи чорвачилик шакли билан белгиланиб, аёллар, биринчи навбатда, уй хўжалигига ишлайдиган қўллар сифатида кўрилган. Агар эркак тўғридан-тўғри тирикчилик қилувчи бўлса, ишлаб чиқариш ва истеъмол маҳсулотларини сақлаш, зарур қайта ишлаш ва фойдаланишга тайёрлаш учун аёл жавобгар бўлган. Аёлнинг ижтимоий мавқеи дастлаб унинг иқтисодий жамоа таркибидаги роли, унинг ички функционал муносабатлар тизимидағи ўрни билан белгиланган. Мавжуд археологик ва ёзма манбалар қадимги туркий жамиятдаги зодагон қатлам аёлларининг умумий, анча юқори мавқейини акс эттиради. Шунингдук, барча тадқиқотлар жинсларнинг айрим қатламлари хусусан, юқори қатламлари хақида гапирилади [16, 121 б.].

О.В.Горшунова ва С.А.Пешковалар ҳам ўз тадқиқотлари асосида аёл ва ҳаётнинг асосий манбаи ўртасидаги муқаддас алоқа – илоҳий аёл қиёфасида гавдаланганигина таъкидлайди. Хусусан, Марказий Осиё туб аҳолисининг ижтимоий ҳаёти гендер ролларнинг аниқ табақаланиши билан тавсифланади, яъни индивидуал даражада ва миллий мағкураларда аёлларнинг жамиятдаги ролини асосий аҳамияти таъкидланади. Уларнинг фикрича, хотин-қизлар ва жамият насли ўртасидаги мағкуравий боғлиқлик нуқтаи назаридан аёлларга келажак авлодлар посбони ва тарбиячиси вазифаси юкландган. Аёлларнинг насл учун мутлоқ масъулият ғояси қадимги давларга бориб тақалади. Бу ғоя ва анъаналарнинг ўрни илоҳий аёллик ғояси бўлиб, улар табиий объектлар билан боғланган ва кейинчалик антропоморфик тасвирларда, яъни турли жойларда топилган аёл ҳайкалчаларида мужассамлашган. Вақт ўтиши билан аёл худонинг асл қиёфаси ва у билан боғлиқ булган култ ўзгаришларга учраб ислом таъсирида маҳаллий авлиёлар образига айланган [7].

Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши минтақада аёлларга бўлган муносабатда янги қарашларни шакллантиради. Хусусан, аёлларнинг фаолияти чекланиб, асосан уй бекалигига боғланган. Масалан, илк ўрта аср туркий халқларининг аёлликка хос стереотипларига кўра, аёлнинг мукаммал уй бекаси бўлиши муҳимдир. Лекин шу билан бирга, уларга турмушнинг бошқа соҳаларида (от миниш, чавондозлик, камондон ўқ отиш, жанг қилиш ва

х.) ҳам ўзи намоён қилишга имкон берилган. Ислом дини кириб келиши билан булар “эркак шодалик” деб қаралди ва аёллар бу соҳалардан ўзини узоқ тута бошлигандан.

Ислом динининг асоси ҳисобланган ва муқаддас китоби Куръонда аёллар масаласига оид 309 оят мавжуд бўлиб, шундан 161 оят Маккада ва 148 оят Мадинада нозил бўлган [12, 38 б.]. Хусусан, “Нисо” ва “Талоқ” сураларида аёлларга қаратилган бир қанча ҳукмлар баён қилинган. Шунингдек, “Бақара”, “Моида”, “Нур”, “Аҳзоб”, “Мужодала”, “Мумтаҳана” ва “Тахрим” сураларида ҳам аёллар, ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ҳақида сўз юритилган. Farb тадқиқотчилари исломда аёл эркак билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши тасаввух тариқатида мунозара талаб этмайдиган аксиома тарзида ҳам қайд этилишини эътироф этганлар. Ўз навбатида, немис олимаси А.Шиммел таъкидлаганидек, “бу – ислом динининг аёл жинс вакилларига бўлган муносабатининг даражасини белгилаб беради” [12, 38 б.]. Шунингдек, аёлни асрраб-авайлаш, унга нисбатан мулойим муносабатда бўлиш, эҳтиётлаш исломдаги асосий кўрсатмалардан бири бўлиб, шариат қоидаларида аёлга хос хислатлар – ибо-ҳаёсини, назокатини, одоб-хулқини, ўз саломатлигини асрashi зарурлиги, у биринчи навбатда она эканлиги, яъни ҳаёт манбаи ҳисобланishi уқтирилади. Бундан ташқари, ислом анъаналари асосидаги тарбиянинг бошида аёл етакчи ўринга эга ҳисобланади. Шу боис, унга нисбатан исломда муносиб равишда муносабат билдирилган. Бу ҳолат бутун XX аср мобайнида ўз аҳамиятини йўқотмаганини М.Б.Каримованинг Фарғона водийсида олиб борган тадқиқотлари натижалари ҳам тасдиқлайди. Фарғона водийсидаги жуда кўплаб оиласаларда асосан оналар, қандай сиёсий тузум бўлишидан қатъи назар, ўз диний қадриятларини сақлаб қолган ҳолда диний анъаналарни келажак авлодга етказувчилар ҳисобланган [12, 40 б.].

Демак, юқоридагилардан хulosса қиласиган бўлсак, тарихнинг барча даврларида ҳам аёллар билан боғлиқ стереотиплар мавжуд бўлган ва улар вақт ўтиб ижтимоий, сиёсий ҳамда диний ўзгаришлар натижасида ўзгариб борган. Хусусан Марказий Осиё халқлари ҳаётида аёл ва эркакнинг ҳам бирдек бажарадиган машғулотлари (от чоптириш, камондан ўқ отиш ва ҳ.к.) араблар даврига келиб факат эркакларнинг машғулоти деб қараладиган бўлди. Аёллар эса кўпроқ уй-хўжалиги билан (оиласи ва эрининг хизматини қилиш, бола парвариши, уй ишлари ва ҳ.к.) боғланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Абдуллаев К. Сасанидские параллели в Согде и Бактрии-тохаристане на примере некоторых памятников пластического искусства // Культура Среднего Востока (С древнейших времен до наших дней) . – Т.: “Фан”, 1990. – С. 62-69;
2. Абдуллаева М.М. Ўрта Осиё терракоталари ва унда аёл образининг тавсифи (археологик ва антропологик таҳлил) / 2022-yil 31-майда Фарғона давлат университетида “Жаҳон тарихшунослигида Марказий Осиё тарихи масалалари” мавзусидаги халқаро илмий конференция тўплами. – Б. 46-49;
3. Abdullayeva M.M. National identity issues based on analysis of terracota samples found in Uzbekistan // Middle European Scientific Bulletin, VOLUME 25. Jun. 2022. – P. 86-91. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/1358>;
4. Абдуллаева М.М. Миллий идентиклик масалаларида аёл тимсоли (Ўзбекистон худудидан топилган терракота наъмуналари таҳлили асосида) // Наманган Давлат Университети ахборотномаси. 2022. – № 6. – Б. 303-309;
5. Abdullayeva M.M. Ilk o’rta asr terrakotalarini tadqiq qilishda ba’zi mulohazalar / Markaziy Osiyo tarixi va madaniyati xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. Toshkent. 2023. – В. 333-335.
6. Ахрапов И., Усманова З. И. Терракоты Бухары // Культура Среднего Востока (С древнейших времен до наших дней) . – Т.: “Фан”, 1990. – С. 36-44;
7. Горшунова О.В., Пешкова С. А. Фертильность и сакральное женское начало в среднеазиатских целительских и ритуальных практиках // Медицинская антропология и биоэтика Научный, образовательный, научно популярный журнал. Выпуск 5. Январь 23, 2014;
8. Грицина А. А. Терракотовая статуэтка из Уструшаны // Посвященной 50-летию научной деятельности Г. В. Шишкной: Материалы международной конференции. Государственный музей Востока (Москва), 14-16 декабря 2000 года. – С. 148-150;
9. Двуреченская Н. Д. Изучение терракотовой пластики Средней Азии (проблемы и перспективы их разрешения) // Посвященной 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкной: Материалы международной конференции. – Государственный музей Востока (Москва), 14-16 декабря 2000 года. – С. 151-155;
10. Двуреченская Н. Д. Терракотовая пластика древнейших государств Средней Азии IV в. до н. э. — IV в. н. э. (археологический аспект). – Санкт-Петербург, 2016. – С. 607;
11. Ильясов Дж. Я. Терракота раннесредневекового чаганиана // Посвященной 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкной: Материалы международной конференции. – Государственный музей Востока (Москва), 14-16 декабря 2000 года. – С. 155-158;
12. Каримова М.Б. Ўзбек аёллари турмуш тарзида ислом дини (Фарғона водийиси мисолида): т.ф.ф.д. (PhD). ... дисс. Тошкент. 2022. 156 б.

13. Кириллова О.В. Богиня в шлеме с городища Афрасиаб // Посвященной 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкной: Материалы международной конференции. – Государственный музей Востока (Москва), 14-16 декабря 2000 года. – С. 158-160;
14. Кубаев С.Ш. Культ богини по терракоте Хантепа. Народы и религии Евразии/ под.ред. П.К.Дошковского. – Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2017. – Вып. III-IV (12-13). – 152 с.
15. Пугаченкова Г. А. На путях познания художественного наследия средней Азии //Культура Среднего Востока (С древнейших времен до наших дней) . – Т.: “Фан”, 1990. – С.7-17.
16. Тишин В.В., Серегин Н.Н. Положение женщины в древнетюркском обществе // Историческая психология и социология истории. № 1/2015. – С. 109–127.
17. qizi To'yeva, M. S. (2022, November). Yangi O 'Zbekiston Orifa Ayollarli Va G 'Arb Ayollarining Jamiyatdagi Mavqeyi Va Ularning Huquqlari. In *International Conferences* (Vol. 1, No. 2, pp. 74-81).
18. SEMPO, Y. E., & KİTABI, B. (2017). Uluslararası Türk Dünyası. 7. Michael McCarthy and Felicity O'Dell." English Idioms in Use"—Cambridge university press.—L.